

## Ҳ У К М

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил март ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Қува туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи: И.Норматов

Х.Абдуллаевнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Қува туман прокурорининг ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов, судланувчи А.Суйманкул ва унинг ҳимоячиси - адвокат О.Атаҳаджаев, фуқаровий даъвогар З.Одиловнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б, в, г” бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан Матисаев Суйманкул Асановични айблаш ҳақидаги 1-1511-2303/27-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Матисаев Суйманкул Асанович (Matisayev Suymankul Asanovich) - 1985 йил 12 февраль куни Қирғизистон Республикасида туғилган, қирғиз, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Абу Али Ибн Сино” номидаги Қува жамоат саломатлиги техникуми директори лавозимида ишлайди, Фарғона вилояти, Қува тумани, Янги ҳаёт МФЙ, Салим кўчаси, 111-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 5 январь куни олган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охирги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи С.Матисаев “Абу Али Ибн Сино” номидаги Қува жамоат саломатлиги техникуми директори лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, бошқа шахслар (жиноят ишининг уларга оид қисми тугатилган) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2019-2022 йилларда техникум ўқитувчиларига жами 50.003.300 сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ортиқча ҳисоблаб, тўлаб юбориб, 1.058.000 сўмлик товар моддий бойликлари камомадига йўл қўйиб, ўзига ишониб топширилган ва



ихтиёрида бўлган ўзганинг жами 51.061.300 сўмлик мулкани растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи С.Матисаев судда, айбига қисман иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам, 2017 йил 18 декабрдан Тиббиёт коллежи ва 2019 йилда “Абу Али Ибн Сино” номидаги Қува жамоат саломатлиги техникумига айлантирилганидан буён директор бўлиб фаолият юритиб келаётганлигини, уни хизмат вазифаларига молия-иқтисод ишлари бўйича техникум фаолиятини бошқаришлигини, молиявий ва хўжалик масалаларини хал этишлигини, бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий маблағларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишлигини, меҳнат, ишлаб чиқариш, ижро интизомини ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлашлар киришлигини, ўтказилган текширишда “Абу Али Ибн Сино” номидаги Қува жамоат саломатлиги техникумида ўтказилган текширишда иш ҳақи бўйича 38.502 минг.сўм, мукофот тўловларида 8.374 минг.сўм, меҳнат таътилидан 3.128 минг.сўм, товар моддий бойликларидан 1.058.000 сўм жами 51.061.300 сўм молиявий хато ва камчиликлар аниқланганлигини, ушбу ҳолатлар тўғрилигини, техникумда 2019-2022 йиллар мобайнида 12 та ҳолатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ортиқча ҳисоблаб жами 27.012.430 сўм пулларини тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатларни келиб чиқишига пед юкламалардаги камчиликларлигини, иш ҳаққи, меҳнат таътили тўланиши жараёнида арифметик хатога йўл қўйилганлиги боис юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини, мазкур ортиқча тўлаб юборилган ҳолатида у ҳамда техникум ҳисобчиларини, ўқув ишлари бўйича директор ўринбослари ҳеч бирлари ушбу ҳолатда ҳеч кимдан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаганликларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2020 йилги “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4679-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 16.04.2020 йилги 232-сонли қарори талабларига зид равишда 2020 йилнинг август ойида 5 нафар ўқитувчиларга жами 7.599.935 сўмлик рағбатлантириш пуллари ҳисоблаб тўлаб юборилганлигини, мазкур ҳолатда Президент қароридан беҳабар бўлиб қолганлиги сабабли 5 нафар ўқитувчиларга ўзи томонидан буйруқ чиқарилиб уларга рағбатлантириш пулларини тўлаб юборганлигини, ушбу ҳолатда 5 нафар ўқитувчиларга тўлаб юборилганлиги ҳолатида улардан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаганлигини, текшириш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2008 йилги 165-сонли қарори талабларига зид равишда 24 та ҳолатда 27 нафар педагог ҳодимларга тақдим этилган йиллик ҳисоботи бўйича кўрсатилган юкламаларини бажармаган бўлсада, жами 2.491.112 сўм, журналини юритиш бўйича йўриқномага зид равишда



38 та ҳолатда 2.100.000 сўмлик иш ҳақлари нотўғри ҳисобланиб тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатларни келиб чиқишига пед юкламалардаги камчиликларлигини, иш ҳаққи, меҳнат таътили тўланиши жараёнида арифметик хатога йўл қўйилганлиги боис юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини, мазкур ортиқча тўлаб юборилган ҳолатида у ҳамда техникум ҳисобчилари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосалари ҳеч бирлари ушбу ҳолатда ҳеч кимдан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаганликларини, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-моддаси талабига зид равишда иш жойида бўлмаган ҳолда ёки асосий иш жойида 1.5 иш ўринида ишласада, қўшимча ишлаганлиги учун 3 нафар ҳодимга 10.799.736 сўмлик иш ҳақлари яқка соатда иш вақтида иш жойида бўлмаганлиги натижасида асосий иш жойи бўлган бошқа бюджет ташкилотида ишлайдиган ҳодимларга ҳисобланиб, тўлаб юборилганлигини, ушбу ҳолатларни келиб чиқишига у томонидан юқоридаги 3 нафар ҳодимларни ишга олиш жараёнида уларни асосий иш жойида қанча ставкада ишлаши ҳақида маълумот олмаганлиги сабабли юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини, лекин мазкур 3 нафар ҳодимлар ҳақиқатда техникумда ишлаганлигини, уларни олдига ўқувчиларни ёнига юборган вақтларида улар амалиётдан дарс беришганлигини, у юқоридаги аниқланган 51.061.300 сўм зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини баён этиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар З.Одилов судда, Қува “Абу Али Ибн Сино” номидаги жамоат саломатлиги техникумида ўтказилган текширишда 2019-2022 йилларда техникум ўқитувчиларига жами 50.003.300 сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ортиқча ҳисоблаб, тўлаб юборилгани, 1.058.000 сўмлик товар моддий бойликлари камомадига йўл қўйилиб, жами 51.061.300 сўм зарар етказилгани аниқланганини, иш бўйича етказилган моддий зарарнинг 40.589.303 сўми дастлабки терговда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисобварағига топширилганлигини, 9.342.443 сўми Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб-рақамида сақланаётганини баён қилиб, судланувчи С.Матисаевдан давлат фойдасига 1.179.554 сўм моддий зарарни ундиришни сўради.

Гувоҳ Б.Ирисов судда, у дастлаб Қува “Абу Али Ибн Сино” номидаги жамоат саломатлиги техникумига 31.08.2014 йилда оддий ўқитувчи бўлиб ишга кирганлигини, сўнгра 13.12.2014 йилдан ушбу кунга қадар хўжалик ишлари бўйича мудир лавозимида ишлаб келаётганлигини, уни хизмат вазифаларига техникумга бириктирилган товар моддий бойликларини бутлигини уларни сақланишини назорат қилиш киришлигини, ўтказилган текширишда иш ҳақи бўйича 38.502.000 сўм, мукофот тўловларида 8.374.000 сўм, меҳнат таътилидан 3.128.000 сўм,



товар моддий бойликларидан 1.058.000 сўм жами 51.061.300 сўм молиявий хато ва камчиликлар аниқланганлигини, текшириш давомида техникумда “Ареометры с цилиндром” 1 дона нархи 107.264.08 сўмдан 107.264.08 сўмлик, “Набор модель кристал реше” 1 дона нархи 222.034.25 сўмдан 222.034.25 сўмлик, “Набор при для раб. Учаших” 1 дона 403.874.072 сўмдан 403.874.072 сўмлик, “Граната Противотанковая” 4 дона нархи 81.228.061 сўмдан 4 донаси 406.143.005 сўмлик ТМБлар йўқлиги аниқланганлигини, мазкур ТМБлар йил якунлашини давомида ТМБлар рўйхатидан ўз вақтида чиқариб уни рўйхатдан чиқарилганлиги ҳолатида АКТ далолатномани текширишга тақдим қила олмаганлиги сабабли юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини баён қилди.

Гувоҳ С.Мирзаев судда, у Қува “Абу Али Ибн Сино” номидаги жамоат саломатлиги техникумига 01.03.2019 йилдан 20.12.2019 йилга қадар бош ҳисобчи лавозимида ишлаганлигини, 21.12.2019 йилдан ушбу кунга қадар ҳисобчи лавозимида ишлаб келаётганлигини, у бош ҳисобчи бўлган даврида хизмат вазифаларига бюджет маблағларини, бюджетидан ташқари маблағларининг харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарифланиши, пул маблағларини ва моддий қийматликдаги бутлигини таъминлаш, ишчи ҳодимларга ойлик маошларини ҳисобланиши ва уларни тўлашини таъминлашлар киришлигини, Қува туман прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят иши юзасидан ўтказилган текширишда иш ҳақи бўйича 38.502 минг.сўм, мукофат тўловларида 8.374.000 сўм, меҳнат таътилидан 3.128.000 сўм, товар моддий бойликларидан 1.058.000 сўм жами 51.061.300 сўм молиявий хато ва камчиликлар аниқланганлигини баён қилди.

Гувоҳ С.Махмудова судда, у Қува “Абу Али Ибн Сино” номидаги жамоат саломатлиги техникумига дастлаб 2019 йилнинг июнь ойида ишга кирганлигини, 01.06.2022 йилдан ушбу кунга қадар бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келаётганлигини, уни хизмат вазифаларига бюджет маблағларини, бюджетидан ташқари маблағларининг харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарифланиши, пул маблағларини ва моддий қийматликдаги бутлигини таъминлаш, ишчи ҳодимларга ойлик маошларини ҳисобланиши ва уларни тўлашини таъминлашлар киришлигини, Қува туман прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят иши юзасидан ўтказилган текширишда иш ҳақи бўйича 38.502 минг.сўм, мукофот тўловларида 8.374.000 сўм, меҳнат таътилидан 3.128.000 сўм, товар моддий бойликларидан 1.058.000 сўм жами 51.061.300 сўм молиявий хато ва камчиликлар аниқланганлигини, у ушбу ҳолатларда Н.Юлдашевага 2021-2022 ўқув йили учун 460 дарс соати ўрнига 572 соат тўланиши натижасида 112 соатга ортиқча дарс соати учун 1.702.400 сўм қўлга тегиши 1.498.112 сўм, З.Собировага 2021-2022 ўқув йили учун 298 дарс соати



ўрнига 436 соат тўланиши натижасида 138 соатга ортиқча дарс соати учун 2.097.600 сўм қўлга тегиши 1.845.888 сўм, Г.Ботиралиевага 2021-2022 ўқув йили учун 318 дарс соати ўрнига 492 соат тўланиши натижасида 174 соатга ортиқча дарс соати учун 2.644.800 сўм қўлга тегиши 2.327.424 сўм ортиқча иш ҳақлари ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатларни келиб чиқишига сабабли у томонидан техник хато туфайли юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини, техникум ўқитувчилари Н.Юлдашева, З.Собирова, Г.Ботиралиевалар у томонидан ортиқча тўлаб юборилганлиги ҳолати юзасидан улардан ҳеч қандай манфаатдорлик бўлмаганлигини, юқорида айтиб ўтганидек техник хато туфайли юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини, техникумда ўтказилган инвқертар хатловида ўзи қатнашганлигини, хатлов натижасига кўра хўжалик мудирини Б.Ирисов жавобгарлигида бўлган товар моддий бойликлардан 4 та 1.058.087 сўмлик инвқертарлар йўқлигини, 9 та ҳолатдаги 8.251.449 сўмлик ортиқча товар моддий бойликлар кириш қилинмаганлиги аниқлангани тўғрилигини баён қилди.

Гувоҳ М.Каримова судда, у Қува “Абу Али Ибн Сино” номидаги жамоат саломатлиги техникумига дастлаб 2011 йилнинг июль ойида ишга кирганлигини, 19.12.2022 йилда 01.06.2022 йилда қадар бош ҳисобчи лавозимида ишлаб 01.06.2022 йилда ҳозирги кунда қадар ҳисобчи лавозимида ишлаб келаётганлигини, уни бош ҳисобчи бўлган даврида хизмат вазифаларига бюджет маблағларини, бюджетидан ташқари маблағларининг харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарифланиши, пул маблағларини ва моддий қийматликдаги бутлигини таъминлаш, ишчи ҳодимларга ойлик маошларини ҳисобланиши ва уларни тўлашини таъминлашлар киришлигини, Қува туман прокуратураси томонидан кўзғатилган жиноят иши юзасидан ўтказилган текширишда иш ҳақи бўйича 38.502.000 сўм, мукофот тўловларида 8.374.000 сўм, меҳнат таътилидан 3.128.000 сўм, товар моддий бойликларидан 1.058.000 сўм жами 51.061.300 сўм молиявий хато ва камчиликлар аниқланганлигини, у ушбу ҳолатларни қуйидагича изохлашлигини, 2021 йил январь ойида психолог Д.Ҳамдамовага 3.178.584 сўм тўланиши керак бўлсада унга 3.474.559 сўм тўлаб юборганлиги натижасида 295.974 сўм, 2021 йил июль ойида меҳнат таътилида бўлган давр учун асоссиз 209.117 сўм иш ҳақлари ортиқча ҳисобланиб тўлаб юборилганлигини, 2021 йил ўқитувчи Т.Нишоновага апрель ойида 6 соат ва май ойида 2 соат табелда бўлмаса ҳам 148.704 сўм иш ҳақи ҳисоблаб тўлаб берганлигини, Қува туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 95-Оилавий поликлиникада 1 ставка, ҳамда тез тиббий ёрдам бўлимида 0.5 ставкада ишлаб келаётган А.Хофизовга 2021-2022 ўқув йилида 180 дарс соати учун 3.680.460 сўм бюджет маблағлари нотўғри тўланганлигини, марказий поликлиникада 1.5 ставка ишлаб келаётган С.Зайнобиддинова 2021-2022 ўқув йилида



120 соат дарс учун 2.699.040 сўм бюджет маблағлари нотўғри тўланганлигини, марказий поликлиникада 1.5 ставка ишлаб келаётган Ахмедова Барнога 2021-2022 ўқув йилида 108 дарс соати учун 2.429.136 сўм, М.Қаххоровага 2021-2022 ўқув йилида жами ўтган соати 804 соатни ташкил қилсада, 808 соатга тўланиши натижасида 4 соат учун 60.800 сўм қўлга тегиши 53.504 сўм, Н.Расуловага жами 1235 соат дарс ўтган бўлсада, 1240 соатга тўланиши натижасида 5 соат ортиқча дарс соати учун 76.000 сўм қўлга тегиши 66.880 сўм, Х.Сулаймоновага жами 1442 дарс соати ўрнига 1447 соат тўланиши натижасида 5 соат ортиқча дарс соати учун 76.000 сўм қўлга тегиши 66.880 сўм, Н.Хайдаралиевга 2021-2022 ўқув йили учун 674 дарс соати ўрнига 707 соат тўланиши натижасида 33 соатга ортиқча дарс соати учун 501.600 сўм қўлга тегиши 441.408 сўм тўлаб юборилганлигини, шунингдек муассасаса 1 штат бирлиги услубчи ҳамда 0.5 штат бирлиги ўқитувчи лавозимида ишловчи Н.Азимжоновага 2022 йил март ойи учун уларга қўшимча яъни 0.5 штат бирлиги рухшунос лавозими учун 1.012.128 сўм иш ҳақи ортиқча ҳисобланиб тўланганлигини, 2022 йил январь-апрель ойларида коллежда 3 та лабаратория мавжуд бўлсада, 4 та лабарант штатидан фойдаланганлиги учун 1 ставка лабарант штати ортиқча ишлатилганлиги натижасида январдан апрель ойигача жами 3.636.528 сўм асоссиз иш ҳақлари ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, мазкур ҳолатда у томонидан техник хато туфайли юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини, ушбу ҳолат бўйича раҳбар ва кадр жавоб беришлигини, улар уни ишга олганлигини, у фақатгина иш ҳақи тўлаш ҳақидаги буйруқ ва табел кўндирилганидан сўнг уни тўловга қаратиш вазифаси борлигини, иш ҳақи табелни амалийсини касбий таълим бўйича директор ўринбосари Д.Абдуллаев, назарой таълим бўйича ўқув ишлар бўйича ўринбосар Г.Ўктамвалар тўлдириб унга тақдим қилишлигини, у фақат у асосида иш ҳақи ишлаб, тўловга тақдим қилишлигини, техникумда ўтказилган инвқертар хатловида ўзи қатнашганлигини, хатлов натижасига кўра хўжалик мудури Б.Ирисов жавобгарлигида бўлган товар моддий бойликларжан 4 та 1.058.087 сўмлик инвертарлар йўқлиги, 9 та ҳолатдаги 8.251.449 сўмлик ортиқча товар моддий бойликлар кирим қилинмаганлиги аниқлангани тўғрилигини баён этди.

Гувоҳ Г.Ўктамова судда, у Қува “Абу Али Ибн Сино” номидаги жамоат саломатлиги техникумига дастлаб 2009 йилнинг сентябрь ойида ишга кирганлигини, 16.12.2018 йилдан ушбу кунга қадар ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келаётганлигини, уни хизмат вазифаларига таълим жараёнини ташкил этиш, ўқитувчиларига дарс тақсимотини ташкиллаштириш, тарификацияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш, дарс жадвалларини ишлаб чиқиш, ўқув журналларини назорат қилиш, ўқитувчиларни шахсий йиллик иш режаларини назорат қилиш



киришлигини, Қува туман прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят иши юзасидан ўтказилган текширишда иш ҳақи бўйича 38.502.000 сўм, мукофот тўловларида 8.374.000 сўм, меҳнат таътилидан 3.128.000 сўм, товар моддий бойликларидан 1.058.000 сўм жами 51.061.300 сўм молиявий хато ва камчиликлар аниқланганлигини, ўтказилган тафтиш давомида ўқув журналларининг белгиланган тартибда юритилмаганлиги натижасида 2.170.954 сўм ортиқча ҳисобланиб тўланиб юборилганлиги ҳолати тўғрилигини, мазкур ҳолатда ўқитувчилар томонидан ўқув журналлари юритилиши жараёнига эътиборсизлик қилганлиги сабабли юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини, ўтказилган тафтиш давомида педагог ҳодимлар томонидан тақдим этилган йиллик ҳисобот бўйича кўрсатилган пед юкламаларни тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида 2.480.411 сўм ортиқча ҳисобланиб тўланиб юборилганлиги ҳолати тўғрилигини, ушбу ҳолатларни келиб чиқишига сабаб ўқитувчилар томонидан топширилган йиллик ҳисобот пед юкламаларда ҳужжатлар ичида камчиликларга йўл қўйилганлигини, ўтказилган тафтиш давомида ҳақиқатда ўқитувчилар ишламаган бўлсада уларга ортиқча дарс соати ёзилиши натижасида 7.159.200 сўм ортиқча ҳисобланиб тўланиб юборилганлиги аниқланганлиги тўғрилигини, ушбу ҳолатларни келиб чиқишига сабаб ўқитувчиларга йиллик дарс соати белгиланганлиги сабабли айрим сабабларга кўра ўқитувчилар бола таътилига чиқиб кетганида уларга ортиқча дарс соати ёзилиб қолинганлигини, лекин улар томонидан дарс соатларини кам ўтишган бўлсада, пед юкламаларни кўпроқ бажаришганлиги сабабли юқоридаги ҳолатлар келиб чиққанлигини, мазкур юқоридаги уни даврида жами 11.810.565 сўм ортиқча тўлаб юборилганлиги ҳолати юзасидан ўқитувчилардан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаганлигини, қолаверса ушбу камчиликлар ўқитувчиларни ўзи томонидан қопланганлигини, у юқоридаги ҳаракатларни эътиборсизлиги ортидан содир бўлганлигини баён қилди.

Гувоҳ Х.Юсупов судда, у Қува туман прокуратурасининг 11.04.2022 йилдаги 10.1-к-22-сонли талабнома хатига асосан Фарғона вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг 20.05.2022 йилдаги 271-сонли буйруғи билан Абу Али Ибн Сино номидаги Қува жамоат саломатлиги техникуми томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўплами 2019-2021 йиллар ва 2022 йил 4 ой даврида “Тиббий санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сонли қарори ижроси юзасидан танлов асосида текшириш ишлари ўтказилганда қуйидагилар аниқланганлигини, Абу Али Ибн Сино номидаги Қува жамоат саломатлиги техникумида ҳозирда жами 852 нафар талабалар таълим олиб келаётганлигини, 2020-2021 ўқув йилида 489 нафар ва 2021-2022 ўқув йилида 368 нафар талабалар



ўқишга қабул қилинганлигини, бундан 6 нафар талабалар бошқа коллежларга ўқишини кўчириб кетганлигини, 2 нафар талабалар ўқишини ушбу коллежга кўчириб келганлигини ва 1 нафар талаба вафот этганлиги аниқланганлигини, 2020-2021 ўқув йилида 17 нафар талабалар грант асосида ва 472 нафар талабалар контракт асосида талабаликка қабул қилинганлигини, 2021-2022 ўқув йилида 21 нафар талабалар грант асосида ва 347 нафар талабалар контракт асосида талабаликка қабул қилинганлиги маълум бўлганлигини, ўқув машғулотлари журналини юритиш бўйича йўриқномага асосан юритилиши ўрганилганда 50 та ҳолатда 147 соат дарс учун 2.170.954 сўмлик иш ҳақлари нотўғри ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, ўтказилган ўрганишда 24 та ҳолатда 24 нафар педагог ходимларга тақдим этилган йиллик ҳисоботи бўйича кўрсатилган пед юкламаларини бажармаган бўлсада, жами 2.480.411 сўмлик иш ҳақлари нотўғри ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, Абу Али Ибн Сино номидаги Қува жамоат саломатлиги техникуми хўжалик мудирини Б.Ирисов жавобгарлигида бўлган товар моддий бойликларни хатловдан ўтказилганда жами 4 та ҳолатда 1.058.087 сўмлик камомад, иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланиши ва тўланиши ўрганилганда 22 та 15.626.234 сўмлик иш ҳақлари ортиқча ҳисобланиб тўланиб юборилганлиги аниқланганлигини, 2018 йил ноябрь ва декабрь ойларида ўқитувчи Р.Рахматовга синф раҳбарлик тасдиқланган тарификатция рўйхатида мавжуд бўлмасида, 405.460 сўм синф раҳбарлик учун асоссиз иш ҳаққи ҳисобланиб тўлаб юборилганлигини, 2019 йил январь ойида ўқитувчи У.Умаровга 6 соат дарс ўтганлиги учун 93.486 сўм тўланиши ўрнига 24 соат дарс учун 373.949 сўм тўланиши натижасида 18 соат ўтилмаган дарс учун 280.463 сўм асоссиз иш ҳаққи ҳисобланиб тўлаб юборилганлигини, 2019 йил январь ойида ўқитувчи М.Тешабоевага асоссиз 14 соат дарс учун тузилган табелда бўлмасида, 218.137 сўм иш ҳаққи ҳисобланиб тўлаганлигини, 2019 йил январь ойида ўқитувчи Р.Ҳакимовга 14 соат дарс ўтганлиги учун 218.136 сўм тўланиши ўрнига 38 соат дарс учун 592.086 сўм тўланиши натижасида 24 соат ўтилмаган дарс учун 373.949 сўм асоссиз иш ҳаққи ҳисобланиб тўлаб юборилганлигини, 2019 йил январдан июнь ойигача ўқитувчи Р.Рахматовга тасдиқланган тарификатция рўйхатида мавжуд бўлмасида 1.621.840 сўм синф раҳбарлик учун асоссиз иш ҳаққи ҳисобланиб тўланганлигини, 2019 йил январдан июнь ойигача ўқитувчи Б.Солиевга тасдиқланган тарификатция рўйхатида мавжуд бўлмасида 1.216.380 сўм синф раҳбарлик учун асоссиз иш ҳаққи ҳисобланиб тўланганлигини, 2020 йил декабрь ойида Х.Холиқовага тасдиқланган штатлар жадвалидан ортиқча лабарантлик учун 10 кунга 288.970 сўм асоссиз ортиқча иш ҳақлари ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил декабрь ойида З.Эмирусайновага тасдиқланган штатлар жадвалидан ортиқча



лабарантлик учун 10 кунга 288.970 сўм асоссиз ортиқча иш ҳақлари ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил декабрь ойида Ш.Қурбоновга тасдиқланган штатлар жадвалидан ортиқча ахборот-ҳисоблаш администраторлиги учун 10 кунга 361.610 сўм асоссиз ортиқча иш ҳақлари ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил декабрь ойида Х.Узақовга тасдиқланган штатлар жадвалидан ортиқча ёшлар етакчилиги штати учун 10 кунга 649.530 сўм асоссиз ортиқча иш ҳақлари ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил декабрь ойида Г.Ўктамovaга тасдиқланган штатлар жадвалидан ортиқча услубчи штати учун 10 кунга 468.018 сўм асоссиз ортиқча иш ҳақлари ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил декабрь ойида М.Усмоновга тасдиқланган штатлар жадвалидан ортиқча инспектор штати учун 10 кунга 361.610 сўм асоссиз ортиқча иш ҳақлари ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил январь ойида ўқитувчи Ф.Юлдашевга ўз хохиши билан ишдан бўшаган ҳамда хар йили меҳнат таътилидан вақтида фойдаланиб келган бўлсада техникум томонидан чиқарилган 2020 йил 6 январь кунги 1-К-сонли буйруғига асосан асоссиз 1.580.000 сўм иш ҳақлари нотўғри ҳисобланиб тўланганлигини, 2021 йил январь ойида психолог Д.Ҳамдамовага 3.178.584 сўм тўланиши керак бўлсада, 3.474.559 сўм тўланиши натижасида 295.974 сўм, 2021 йил июль ойида меҳнат таътилида бўлган давр учун асоссиз 209.117 сўм иш ҳақлари ортиқча ҳисобланиб тўлаб юборилганлигини, 2021 йил ўқитувчи Т.Нишоновага апрель ойида 6 соат ва май ойида 2 соат табелда бўлмаса ҳам 148.704 сўм иш ҳаққи ҳисоблаб тўлаб берганлигини, 2019 йил май ойида бўлимнинг 5-м-сонли буйруғига асосан психолог Р.Ҳакимовга 0.5 ставка бўлим бошлиқлиги лавозими учун 457.857 сўм иш ҳақлари малака ошириш даври учун нотўғри тўланганлиги аниқланганлигини, Г.Қодировага 2020 йил апрел ойида 16 куни учун 1.406.923 сўм ўрнига 24 куни учун 2.110.385 сўм ҳисобланиши натижасида 703.462 сўм меҳнат таътил пули ортиқча ҳисобланиб тўланганлиги маълум бўлганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари бўйича ўриндошлик асосида ишловчи ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўланиши ўрганилганда қарорнинг 25-бандида “Бюджет ташкилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча касб ва лавозимда ишланаётган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50 %дан ортиқ бўлиши мумкин эмаслигини (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) ва бюджет ташкилотларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондида назарда тутилган маблағлар доирасида тўланади” деб кўрсатилганлигини, қарор талабларига зид равишда 2020 йил апрель ойида тарбиячи вазифасида ишлаган Б.Қурбоновага 0.5 ставка ҳодимлар билан ишлаш бўлими инспектори лавозими



439.337 сўм иш ҳақлари нотўғри тўланганлиги аниқланганлигини, шунингдек, муассасаса 1 штат бирлиги услубчи ҳамда 0.5 штат бирлиги ўқитувчи лавозимида ишловчи Н.Азимжоновага 2022 йил март ойи учун уларга қўшимча янан 0.5 штат бирлиги рухшунос лавозими учун 1.012.128 сўм иш ҳақи ортиқча ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, 2019 йил ҳодимларни иш ҳақи тариф сеткасида гуруҳ раҳбарлиги қўйилмаган бўлсада уч ойга Э.Абдулахатовга 608.190 сўм гуруҳ раҳбарли учун ортиқча иш ҳақи маблағи ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, 2022 йил январь-апрель ойларида коллежда 3 та лабаратория мавжуд бўлсада, 4 та лабарант штатидан фойдаланганлиги учун 1 ставка лабарант штати ортиқча ишлатилганлиги натижасида январдан-апрель ойигача жами 3.636.528 сўм асоссиз иш ҳақлари ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, меҳнат таътилларини тўғри ҳисобланиб тўланиши ўрганилганда жами 9 та ҳолатда 3.128.238 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисобланиб тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, жумладан, 2020 йил июль ойида ўқитувчи М.Қаххоровага 2019-2020 йиллар учун навбатдаги меҳнат таътили 3.537.987 сўм ҳисобланиши ўрнига 3.921.636 сўм ҳисобланиши натижасида 383.648 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил июль ойида ўқитувчи Ш.Тошматовага 2019-2020 йиллар учун навбатдаги меҳнат таътили 3.445.428 сўм ҳисобланиши ўрнига 3.899.064 сўм ҳисобланиши натижасида 453.635 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил июль ойида ўқитувчи А.Исроиловга 2019-2020 йиллар учун навбатдаги меҳнат таътили 3.465.402 сўм ҳисобланиши ўрнига 3.765.353 сўм ҳисобланиши натижасида 299.950 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил июль ойида ўқитувчи Х.Йўлдашалиевага 2019-2020 йиллар учун навбатдаги меҳнат таътили 3.447.160 сўм ҳисобланиши ўрнига 3.863.144 сўм ҳисобланиши натижасида 415.984 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил июль ойида ўқитувчи Т.Нишоновага 2019-2020 йиллар учун навбатдаги меҳнат таътили 3.298.784 сўм ҳисобланиши ўрнига 3.515.943 сўм ҳисобланиши натижасида 217.158 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил июль ойида ўқитувчи Ш.Хўжамназаровага 2019-2020 йиллар учун навбатдаги меҳнат таътили 3.352.594 сўм ҳисобланиши ўрнига 3.771.668 сўм ҳисобланиши натижасида 419.073 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил июль ойида ўқитувчи З.Юсуповага 2019-2020 йиллар учун навбатдаги меҳнат таътили 3.427.436 сўм ҳисобланиши ўрнига 3.530.226 сўм ҳисобланиши натижасида 102.789 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб тўланганлигини, 2020 йил июль ойида ўқитувчи Г.Ахмаджоновага 2019-2020 йиллар учун навбатдаги меҳнат таътили 1.267.402 сўм ҳисобланиши ўрнига



1.478.636 сўм ҳисобланиши натижасида 211.233 сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисоблаб тўланганлиги аниқланганлигини, муассаса ўқитувчиси А.Мухаммаджоновга 2020 йил апрел ойида 16 куни учун 1.249.534 сўм ўрнига 24 куни учун 1.874.302 сўм ҳисобланиши натижасида 624.768 сўм меҳнат таътил пули ортиқча ҳисобланиб тўланганлиги маълум бўлганлигини, муассасада ишловчи ҳодимларга мукофот пуллари ҳисобланиши ва тўланиши ўрганилганда 6 та 8.374.830 сўмлик мукофот пули маблағлари ортиқча ҳисобланиб тўланиб юборилганлиги аниқланганлигини, 2019 йил август ойида техникум директори С.Матисаевга 998.956 сўм рағбатлантириш тўланиши керак бўлсада, 1.773.851 сўм тўланиши натижасида 774.895 сўм ортиқча рағбатлантириш пуллари ҳисобланиб тўланганлиги маълум бўлганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрель кунги 232-сонли қарори қабул қилинган бўлишига қарамай 5 та ҳолатда 2020 йил август ойида 5 нафар ўқитувчиларга ва бош ҳисобчига 7.599.935 сўмлик рағбатлантириш пуллари ҳисоблаб тўланиб юборилганлиги аниқланганлигини, 2020 йил август ойида ўқитувчи А.Исақовга 1.689.837 сўм, 2020 йил август ойида бош ҳисобчи С.Мирзаевга 1.313.575 сўм, 2020 йил август ойида ўқитувчи А.Нишонновга 1.689.837 сўм, 2020 йил август ойида ёшлар етакчиси Х.Узақовга 1.216.849 сўм, 2020 йил август ойида ўқитувчи А.Исроиловга 1.689.837 сўм рағбатлантириш пуллари нотўғри ҳисобланиб тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 115-моддасида иш вақтининг нормал муддати ҳодимлар учун 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслигини, 6 кунлик иш хафтасида ҳар кунги ишнинг муддати 7 соатдан, 5 кунлик иш хафтасида эса 8 соатдан ортиб кетмаслиги кўрсатилганлигини, Қува туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникада 1.5 ставка ишлаб келаётган ҳодимларга ўз иш жойида бўлмасдан дарс ўтганлиги учун 2021-2022 ўқув йилида 408 соат дарс учун жами 8.808.636 сўм иш ҳақлари тўлаб берилганлиги маълум бўлганлигини, Қува туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 95-Оилавий поликлиникада 1 ставка, ҳамда тез тиббий ёрдам бўлимида 0.5 ставкада ишлаб келаётган Хофизов Ахроржонга Абу Али Ибн Сино номидаги Қува жамоат саломатлиги техникумида 2021-2022 ўқув йилида 180 дарс соати учун 3.680.460 сўм бюджет маблағлари нотўғри тўланганлигини, марказий поликлиникада 1.5 ставка ишлаб келаётган Зайнобиддинова Сайёра Абу Али Ибн Сино номидаги Қува жамоат саломатлиги техникумида 2021-2022 ўқув йилида 120 соат дарс учун 2.699.040 сўм бюджет маблағлари нотўғри



тўланганлигини, марказий поликлиникада 1.5 ставка ишлаб келаётган Ахмедова Барно Абу Али Ибн Сино номидаги Қува жамоат саломатлиги техникумида 2021-2022 ўқув йилида 108 дар соати учун 2.429.136 сўм бюджет маблағлари нотўғри тўланганлиги маълум бўлганлигини, ўтказилган ўрганишда жами 40.589.303 сўмлик ортиқча тўловлар аниқланганлигини баён қилди.

Судланувчи С.Матисаевнинг содир этган жинояти, унинг ўз айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, фуқаровий даъвогар З.Одилов, гувоҳ М.Каримова, С.Махсудова, Г.Ўктамова, С.Мирзаев ва Х.Юсуповларнинг дастлабки тергов ва суддаги, гувоҳ З.Абдурахмоновнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари билан, текшириш далолатномаси ва хулосаси билан (1-ж., и.в.8-23, 2-ж., и.в. 60-63) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи С.Матисаевнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан С.Матисаевнинг мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, ўзганинг мулкини растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в, г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан С.Матисаевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан қуйидаги асосларга кўра, нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 6-бандида, жиноятнинг такроран содир этилган-этилмаганлиги масаласини ҳал қилишда Жиноят кодексининг 32-моддаси мазмунидан келиб чиқиш лозимлиги; Қарорнинг 8-бандида, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши ЖК 167 ва 209-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмоғи кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 32-моддасининг 3-қисмига кўра, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.



Қонун мазмунига кўра, такрорийлик белгиси бўйича ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлигини квалификация қилиш мазкур жиноятлар камида икки марта содир этилиши, шахс уларнинг бирортаси учун судланмаганлигини тақозо қилади. Ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлиги такрорийлиги белгисини қайд қилиш учун қуйидагилар бўлиши лозим:

-субъектнинг ягоналиги, яъни барча содир этилган жиноятларда ягона субъект бўлиши;

-мансабдор шахс ЖКнинг бир хил моддалари, қисмларида жавобгарлик назарда тутилган камида иккита жиноят содир этган бўлиши;

-ушбу жиноятларнинг ҳар бири жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлиши лозимлиги;

-содир этилган жиноятларнинг ҳар бири мустақил таркибли ҳисобланиши лозимлиги;

-ушбу жиноятлар турли вақтда содир этилган бўлиб, айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинмаслиги лозим.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи С.Матисаевнинг содир этган жиноятининг объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хил бўлиб, уларнинг жиноий ҳаракатлари умумий, ягона қасд билан қамраб олинган деб ҳисоблайди ва уни содир этган ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлиги жиноятларини давомли характерга эга бўлган жиноятлар деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, С.Матисаевнинг ҳаракатларида ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этишда такрорий белгисининг аломатлари кўринмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд, судланувчи С.Матисаевнинг мансаб сохтакорлиги бўйича жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддасининг 2-қисмининг “а” бандидан ЖК 209-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни, унинг айбидан ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б” бандини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, мазкур Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилиб, С.Матисаевга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оиланинг ягона боқувчиси эканлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келганлигини, иш бўйича етказилган моддий зарарнинг 97 фоизинидан ортиқ қисми қопланганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли унга нисбатан қонун санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, судланувчи С.Матисаев мансаби билан боғлиқ ҳолатда жиноят содир қилганлигига эътибор қаратиб, яна шундай жиноятлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан унга нисбатан асосий жазога қўшимча жазо тариқасида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, зарар масаласини муҳокама қилиб:

-иш бўйича етказилган моддий зарарнинг 40.589.303 сўми дастлабки терговда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисобварағига топширилганлигини инобатга олишни;

-иш бўйича етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида тўланиб, Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган жами 9.342.443 сўм пулларни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг давлат эгалигига ўтказишни;

-судланувчи С.Матисаевдан давлат фойдасига 1.179.554 сўм моддий зарар ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Матисаев Суйманкул Асанович Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в, г” бандлари, 209-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Матисаев Суйманкул Асановичга:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в, г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 2-қисмига асосан тайинланган оғирроқ жазони енгилроғи билан қоплаш йўли орқали узил-кесил 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона вилояти Қува туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Матисаев Суйманкул Асановичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича етказилган моддий зарарнинг 40.589.303 сўми дастлабки терговда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисобварағига топширилганлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида тўланиб, Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган жами 9.342.443 сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг давлат эгалигига ўтказилсин.

Судланувчи С.Матисаевдан давлат фойдасига 1.179.554 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва фуқаровий даъвогар эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**И.Норматов**

